# ВАТАННИНГ ЯНГИ ЙЎЛЛАРИ






**“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ижодий гуруҳи “НАВОИЙ – УЧҚУДУҚ – НУКУС” темир йўли қурилишида**

## 3. Ризқи бутун халқ

Нақл қилишларича, қадим-қадимда бир пайғамбарнинг қирқ ўғли бўлган экан. Пайғамбар ўғилларига ҳар бир ишда раҳнамолик қилар, хуллас, уларнинг бутун тирикчилиги, ҳаёт тарзи шу қари отага чамбарчас боғланиб қолади. Ажал соатлари етиб келганини пайқаган пайғамбар оғир ўйга чўмиб, Оллоҳга нола қилибдики: қазо-ҳақ, бунга ҳеч эътирозим йўқ. Аммо, эй худо, мен ўлиб кетсам ўғилларим қандай тирикчилик қилишаркин? Очликдан, муҳтожликдан қийналишларини ўйлаб юрак-бағрим қон бўлиб кетмоқда...

Шунда ғойибдан "тур ўрнингдан, дарё лабига борғил!"деган садо келибди. Пайғамбар дарё соҳилига келибди. Пишқириб оқаётган тўлқинларга Оллоҳ “қоқ ўртадан бўлин!” дебди. Дарё суви ўртадан бўлиниб, бир одам сиққудек қуруқлик ҳосил бўлибди. Нидо келибдики: пастга туш, Пайғамбар дарё тубига тушиб бир харсанг тошни кўрибди. Оллоҳ амри билан харсанг тош иккига ажралибди. Унинг ичида битта қурт ва учтўртта япроқ бор экан. Кўрдингми, хитоб қилибди Оллоҳ, биз ҳаттоки дарё остида, тош ичида яшаётган шу қуртни ҳам ризқдан бебаҳра қилмаганмиз.

Пайғамбар Оллоҳ мўъжизасига қойил қолиб ҳикмат моҳиятини тушунган экан... Қиссадан ҳисса шуки, ҳар кимга пок амалларига яраша ризқни парвардигорнинг ўзи беради.

Пок амал иборасини Юртбошимиз маърузаларида кўп маротаба таъкидлаганлар. Мамлакатимиз ҳудудида мақбаралари барпо этилган алломалар хотирасига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириб айтган сўзлари ёдимизда. Хусусан, Юртбошимиз Имом ал-Бухорий мақбараси лойиҳасини кўриб жумладан шундай деган эканлар: “... Агар исломда мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейин Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислари иккинчи ўринда турадиган бўлса, Имом ал-Бухорий мақбараси ҳам Маккаю Мадинадан кейин мусулмонлар учун иккинчи зиёратгоҳ бўлиши керак”.

Бу мантиққа монанд чиқарилган хулосадир. Зотан, Имом Бухорий исми-шарифини бутун мусулмон дунёсида яхши билишади. Худди шунингдек, Султон Увайс каби алломалар номи ҳам асрлардан асрларга ўтиб келаётгани бор гап. Буларнинг барчасига алломаи замонларнинг пок амаллари боисдир.

Султон Увайс қадамжосидан ҳеч бир даврда одам ариган эмас. Боиси — Увайс ҳазратларининг Расулуллоҳга ҳурматлари ниҳоята баланд бўлган экан. Жангда Расулуллоҳнинг тиши синганини эшитган Султон Увайс мутаассир бўлиб, ўз тишларини уриб синдирган экан...

Тақдир тақозосини кўрингки, Ватанимизнинг янги темир йўли шу улуғ аллома номи билан аталадиган тоққа туташди. Бу эзгуликдан, халқнинг ризқи бутунлигидан дарак.

Саҳро барханларини чекинтириб пўлат из ўтказиш машаққати бир тараф бўлса, Султон Увайс тоғ тизмаларидан темир йўл ўтказиш муаммонинг иккинчи тарафи эди.

— Бу мушкул бўлди, — дея эслашади қурилиш мутасаддилари. — Айниқса, Ўғрисойдаги тоғ этагига миллионлаб кубометр тупроқ ётқизиш билан бирга тоғ чўққисини кесиб, йўл солиш жудаям оғир бўлди. Илгарилари бу ердан темир йўл ўтказишга белорусиялик йўлсозлар ҳам ҳаракат қилган. Лекин уддалай олмай, қайтиб кетишган. Энди нима қиламиз деб иш тўхтаган пайтлари устаси ўзимиздан топилди. Тожикистон ва Қозоғистон тоғларини ёриб, темир йўл ўтказиб юрган малакали мутахассис Нукусда яшар экан. "Ўзтрансқурилиш" трестининг Бекбаули Сейитов бошлиқ Нукус қурилиш бўлинмаси йўлсозлари бу мураккаб ишни тўққиз ойда қойиллатиб бажардилар.

Бу мислсиз жасорат эди. Дарҳақиқат, замонамиз фарҳодлари тоғни талқон қилдилар. Ва шу баробарида эл-юрт ободлигини тилаган аллома руҳи шод бўлган бўлса ажабмас...

Карвон ўтса карвонсаройлар бунёд этилади. Хусусан, Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидаги Султон Увайс бекати...

Эндиликда бу бекат ҳам Қизилқумнинг жон томирини асрий тоғ тизмаларига улаб, туташтириб юборади. Айни кунда бу бекатда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. “Қорақалпоқавтойўл” бирлашмасининг Қоратоғ тош майдалаш заводида ҳам ҳар галгидан иш қизғин. Бу ерда кўплаб темир йўллар билан бирга Нукус — Учқудуқ темир йўли эҳтиёжи учун ҳам куну-тун иш қайнамоқда. Демак, халқимиз катта умидлар билан қураётган бу темир йўлимиз Ватанимизнинг геополитик ва иқтисодий имкониятларининг чексизлигидан далолат берувчи яна бир исботдир. Шунингдек, халқимизнинг фаровонлигини оширишда ҳам янги йўлнинг улуши катта бўлади.

Яна бир далил. Сўнгги пайтларда Хоразм ва Қорақалпоғистонда цемент нархи ошиб кетган эди. Натижада қурилиш ишларида анчагина сусайиш рўй берди. Ахир йўл харажатлари маҳсулот қийматининг устига қўйилгандан кейин илож қанча? Эндиликда янги йўлдан юк поездлари қатнаши билан бу харажатлар камая бошлади. Натижада Қорақалпоғистон ва Хоразмда янги қурилишлар авж олаётир. Бу йўлдан ўтган темир карвонлар сафи мамлакатимизнинг Европа билан иқтисодий алоқаларини ҳам кучайтиради.

Сафарномамизнинг аввалги қисмида баён этганимиздек, бизга "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси қошидаги Янги темир йўллар қуриш дирекцияси бош муҳандиси Юнус Жаъфаров ҳамроҳлик қилди. Камтарин, ўз ишининг устаси бўлган бу инсон БАМда, Тюменда, Сургутда ишлаб тажриба орттирган.

— 1996 йилда Мискин — Султон Увайстоғ оралиғида тупроқ ишлари бошланди,— дейди у. — Бир йил ўтиб эса Учқудуқ —Мискин йўлини қуришга киришилди. 1999 йилнинг декабрида Мискин — Султон Увайстоғ участкасида ҳаракат йўлга қўйилди. Йўл қурилиши учун қум, шағал, бетон, рельслар ва бошқа хил юкларни таший бошладик.

Яна бир ҳамроҳимиз — Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компанияси Янги темир йўллар қуриш дирекциясининг ускуналар билан таъминлаш бўлими бошлиғи А. С. Карахин ҳақида батафсил гапирмасак бўлмас. Умрининг 45 йилини темирйўл хизматига бағишлаган Александр Семёновични қўшни мамлакатларда ҳам жуда яхши танийдилар. Бу одамнинг қуйди-пишдисини кўриб ўн йигитнинг ғайрати борлигига амин бўласиз. Темир йўлларимиз истиқболига доир жуда залворли, асосли фикрлари билан ҳали кўпларни қойил қолдириши тайин.

— Ҳали қариганим йўқ, эндигина етмишни қоралаб боряпман, — дейди у. — Қадим Қизилқум бағрида катта дарёларнинг кўҳна узанлари бор. Оққан дарё оқаверади. Бугун рамзий маънода ўша дарёлар Қизилқумнинг ҳаёт томирлари бўлиб ўзанларига қайтди. Қизилқум энди обод бўлади. Мен ҳам ёшариб бораяпман...

... Йигирма биринчи май куни соат 16 да сафар вагонимизга чиқиб, “штаб” хонамизда харита ва ҳужжатларни ёйганимизда қора ва қизил чизиқлар бизга ҳали мавҳумдек туюлган эди. Сафар давомида англадикки, харитадаги ҳар бир чизиқ орқасида қанчадан-қанча инсонлар, бутун бир халқ тақдири турган экан. Зотан, бир ҳафталик сафар мобайнида не-не одамлар билан танишдик, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлдик. Шеър ўқидик, юртимиз тарихидан, бизга ноаён сир-синоатлардан лавҳалар эшитдик. Ва англадикки, бу пўлат излар нафақат иқтисодиёт учун, балки маънавият учун ҳам ниҳоятда зарур экан. Бу пўлат излар мамлакатимиз ҳудудида яшаётган ўнлаб миллатларни ўзаро бирлаштиради, орзу-армонини муштарак қилади.

Учқудуқда шеърият анжумани ўтказганимизда бир қаламкаш биродаримиз шеърларимиз марказий нашрларда чиқса...” дейишди. Бир рус аёли жияни шеър машқ қилишини айтиб, кўриб беришларимизни илтимос қилди. Хуллас, шу пўлат излар боис маънавият қайтадан тикланаётганига ишондик. Қайдаки маънавият мавжуд экан, ўша жойда юксалиш бор, поклик бор. Иймон-эътиқоди пок халқларнинг эса ризқи бутун бўлаверади.

### БЕРДАҚ ШУНДАЙ ДЕГАН...

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, ҳатто иримлари ҳам мавжуд. Қисқа сафаримиз мобайнида қорақалпоқ биродарларимиздан, раҳбарлардан, оддий ишчилардан ҳам “қадамингизга гул битсин”, деган тилак эшитдик. Қизиғи шундаки, баъзи дўстлар, қадамингиз қутлуғ бўлди — дарёга сув келаётган экан, дейишди ҳам.

Бу йилги сув танқислиги боисини, сув қай тариқа кўпайиши мумкинлигини, гапнинг очиғи аниқ билмаймиз. Аммо, бу гаплар меҳмон ташрифига соғинч ҳис-туйғуларини ўзида ифодалаб турганини аниқ билардик ва бағрикенгликда, сахийликда бизнинг халқимизга тенг келадиган бошқа бирор халқ дунёда бормикан ўзи, деган хаёлларга борганимиз ҳам рост.

Яна бир жиҳати, халқимиз оғриган жойини билдирмайди. Қандай шароитда бўлмасин, қаловини топиб қорни ёндиришга жаҳд этади. Ахир шарт-шароит йўқ дея аҳолиси ташлаб кетган қишлоқлар ҳақида кўп эшитганмиз-ку? Бизда бундай ҳолатлар юз бермаган. Халқимизнинг шу хусусияти айнан қаҳрамонликнинг ўзидир.

Қорақалпоғистонда ижодкор дўстлардан бири, бундай сув танқислиги аввалги замонларда ҳам бўлган. Бердақ шу ҳақда шеър ҳам ёзган, деди.

Қовун экиб, туйнак олдик, дея эътироф этган экан Бердақ. Демак, қадим-қадимда ҳам дарё соҳилидаги одамлар сув танқислигидан қийналган, бунга ўзларича чора излаганлар.

Ушбу сатрларни қоғозга тушираётганимизда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда 2001 йил ёз-кузида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари аниқ белгилаб берилган. Энг муҳими, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг ва Хоразм вилоятидан 5 минг боланинг ёзги дам олишини ташкил этишга қарор қилинган. Куни кечагина "Ойнаи жаҳон" орқали намойиш этилди: меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ва кўп болалик оилалардан болаларнинг дастлабки гуруҳи дам олиш, соғломлаштириш мақсадида пойтахтимиз ҳордиқ масканларига олиб келинибди.

Яна Қорақалпоғистонда яшовчи 3 минг, Хоразм вилоятидан 1,5 минг нафар аёл бу мавсумда санаторий-курорт, профилактик даволаш масканларида саломатлигини тиклаб олади.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бу муҳим тадбирлар шу минтақада яшовчи аҳоли севинчига севинч қўшганини бир тасаввур қилиб кўринг. Тақдирни қарангки, 2001 йилни Оналар ва болалар йили дея аталиши ҳам бежиз эмас экан.

Ахир бу қурилишлар қандай мақсадларда барпо этилмоқда? Бу пўлат излар — Ватанимизни жаҳоннинг илғор давлатлари билан боғлайдиган янги йўллардан муддао нима? Буларнинг барчаси келгуси наслларга хизмат қилмоғи муқаррар.

Шунинг учун ҳам келажагимиз эгаси бўлмиш болаларга алоҳида меҳру муҳаббат ила қаралмоқда. Шунинг учун ҳам болаларнинг ўқиши, билимини ошириш, дам олишини ташкил этиш қатъий режа асосида олиб борилмоқда.

Элликқалъага борганимизда иқтидорли болаларга қулай шарт-шароитлар яратилаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бўстон академик лицейининг ёруғ хоналари, замонавий жиҳозлар ўрин олган фан кабинетлари ёшлар руҳиятини янада ўстиришига шубҳа йўқ. Туман раҳбарининг айтишига қараганда, Бўстонда ёшлар шаҳарчаси ҳам бунёд этиларкан.

Эътиборга молик жиҳат шундаки, Элликқалъада ҳар йили ёз ойлари турли мактаблардан иқтидорли ўқувчилар йиғиб олиниб, махсус ётоқхона, иссиқ овқат билан таъминланар экан. Ва уларга икки ой мобайнида энг билимдон ўқитувчилар сабоқ бериши йўлга қўйилган. Бу хайрли тадбирга кетган харажатларни эса ҳомийлар ўз зиммасига оладилар... Бундай ғамхўрликни дунёнинг қайси мамлакатида кўргансиз? Буларнинг барчаси Истиқлол шарофатидан, халқимизнинг ризқу рўзи бутунлигидандир.

Нукусда бўлганимизда Бердақ музейини кўрдик. Улуғ шоир ва оқин Ажиниёз ҳайкалини зиёрат қилдик ва ўз шоирларига, оқинларига, энг муҳими авлиёларига ҳурмат-эҳтиром бажо келтираётган халқ оғирини Оллоҳнинг ўзи енгил қилишини ички бир туйғу ила илғадик.

Сўнгги анжуманимиз Нукус темирйўл касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Бу коллежда бўлғуси темирйўл муҳандислари ҳам таълим олади. Илму маърифатга ташна, кўзларида ўт чақнаб турган йигит-қизлар Ватанимизнинг янги йўлларига эгалик қилишади. Уларнинг орзулари бир жаҳон...

Хайрли иш ҳеч қачон унутилмас экан. Биз шу куни И.Савицкий номидаги санъат музейи янги биноси қурилишини ҳам кўрдик. Бу рассом музейга анъанавий ва ноанъанавий усулда чизилган нодир картиналарни тўплаган. Ўнлаб мусаввирларга мураббийлик қилган. Эндиликда Нукусда тасвирий санъат мактабининг янги авлоди етишиб чиқмоқда. Айнан шу музейни кўриш мақсадида Германия, Франция каби Ғарб мамлакатларидан сайёҳлар оилавий бўлиб Нукусга ташриф буюрар эканлар... Демак, яна Европа. Иқтисодиёт ва маънавият жабҳасида бу пўлат излар шарқу ғарбни шу тариқа муштарак этишга қодир.

Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ деганларидек, истибдод даврида рўшнолик кўрмаган не-не алломаларнинг невара-чеваралари, издошлари учун ҳаёт нашъу намоси суриладиган замонлар етиб келди. Бу қурилишлар, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси улар учун, уларнинг бахт-саодати, роҳат-фароғати учун.

Қайсидир қўлёзмада ёзилган экан: Ватан ичидаги ҳар бир ҳаракат тоат-ибодатдир. Дарҳақиқат, шундай. Иймон-эътиқод йўлидаги, фаровонлик йўлидаги ҳар бир интилиш айнан тоат-ибодатнинг ўзидир. Яна биламизки,мўътабар китобларда ёзилишича, одамзот бу дунёдан ўтганида унинг аъмоллар дафтари ёпилади. Аммо, эл-юрт фаровонлиги йўлида кўприклар, йўллар қурганлар, қудуқ қазиганлар савоби то абад ўша дафтарга ёзилавераркан. Хуллас, асрга татигулик ўтган ўн йилимизнинг хайрли ишлари савоби шу мезон асосида ўлчанганида ниҳоятда катта салмоқ касб этади. Саҳро бағрини, тоғ тизмаларини кесиб ўтган бу пўлат изларни саодатга элтувчи йўл десак муболаға бўлмас. Ва ўша пўлат излар ижодкорларининг ҳар бирини фидоий замондошларимиз десак ҳақиқатдан йироқ бўлмас.

Бир вақтлар Султон Увайс тоғидан тош думалатиб савобга доҳиллик исталган бўлса, эндиликда қаричлаб пўлат из ўтказиб, шу излар остига тошларни майдалаб абадиятга, мангуликка даҳлдорлик касб этилмоқдаки, бунинг хайр-савоби элу юртга татийди.

### ГУЛХАДИЧА НАВОЛАРИ

Бир ҳафта мобайнида қанча фарсаҳ йўл босдик? Бу борада қизиқиб кўрганимиз ҳам йўқ. Чунки биз кўнгилларга ташриф буюришни истаган эдик. Замонамиз қаҳрамонлари дийдорига интиқ эдик. Ва бу масофани фарсаҳларда ўлчаб ҳам бўлмайди. Энг муҳими, биз кўнгил яқинлигини ҳис қилдик. Мамлакатимизнинг икки буржи нақадар яқинлигини, пойтахтдаги ҳар бир мужда шу заҳотиёқ элдошларимиз севинчига севинч қўшишини англаб етдик ва бу хусусият бизга илҳом ва бетакрор руҳ берди.

25 май куни сафаримизнинг ижодий қисмини якунлаб, Нукусдан микроавтобусга ўтириб Хўжайли сари жўнаб кетдик. Истагимиз, Амударё соҳилидаги Венеция деб ном олган бу шаҳар қалъаларини томоша қилиш эди.

Ҳамроҳимиз — қорақалпоқ халқининг машҳур ёзувчиси Тулепберген оға Қайипбергенов дарё мавзусида сўз очилганида Мовароуннаҳрдаги бу икки дарё афсоналарда Нуҳ алайҳиссалом номи билан боғланишини нақл қилиб берди.

— Тўфон бўлиб, Нуҳ ўз кемасида бу ерга келганида эшкаклари уммон остига теккан. Ўша эшкак изларидан Амударё ва Сирдарё пайдо бўлган дейилади афсоналарда...

Бундай афсоналар давомини Миздахкон ёдгорликлари мажмуига кирувчи асрлардан сўзловчи мақбараларда кўрдик. Бу қадамжода эътиборга лойиқ Шамун-набий ҳамда Нозлимхон сулув мақбаралари бор экан.

Нақл қилишларича, Шамун-набий баҳайбат бир одам бўлган экан. Ўша вақт удумига кўра бирор мамлакат подшоҳи уруш бошласа аввало юрт раҳнамолари яккама-якка жангга тушган. Шамун наби босқинчи рақибини танг аҳволда қолдирганида унга хотини хиёнат қилиб, оёқлари остига совун кўпиги сочган. Шу чоғда паҳлавоннинг бир оёғи тойиб, тиззаси букилади ва у тиззасига таяниб қолади. Бундан дарғазаб бўлган Шамун наби менга бунақа оёқнинг кераги йўқ деб тиззасидан пастини шартта кесиб ташлаган экан. Ўша оёқ дафн этилиб, устига мақбара қурилган. Чамаласангиз — шунақа узун оёқки, одамнинг ақли шошади...

Нозлимхон сулув ўз замонасининг энг хушрўй қизларидан бири бўлган. Аммо, уни севган йигитига бермаганлар. Шунда қиз ошиқ йигитидан айро ўзини тасаввур қила олмай минорадан ташлаб ҳалок бўлибди. Йигит ҳам айнан шу тарзда ўзини ҳалок этган...

Пештоқларига сирли ёзувлар битилган бу мақбаралар бизни худди мозий сари етаклаб кетаётгандек эди. Қадим аждодларимиз хотирланди, Қуръон тиловат қилинди.

Мақбарада ярқираб турган турли-туман шакллар, қуббалар ўтмиш қаъридаги сир-синоатдан сассиз сўзлар эдилар. Улуғ пир Паҳлавон Маҳмуд ёзганидек, бу фақат маънидан иборат ҳикматли ибора эди:

**Нутқинг каби нутқ дунёда, эй дўст, йўқдир,**
**Қутлуғ бу каломда ҳеч каму кўст йўқдир.**
**Ёнғоқ-ку сўзинг, керакмас арчмоқ, чақмоқ,**
**Ҳаммаси мағз унинг, пўчоқ-пўст йўқдир.**

Инсон умрининг моҳияти, эзгулик ва ёвузликнинг бетиним кураши акс этарди бу сассиз садоларда...

Жалолиддин Мангуберди от суриб ўтган бу табаррук замин хотирамизда олис ўтмишни тиклагандек бўлди. Дарвоқе, улуғ карвон йўллари шу воҳада жойлашган Арда Хушматон шаҳри карвонсаройида нафас ростлаб икки тарафга — Катга ва Урганжга ажралиб кетган. Биз борган қадамжо ўша Кўҳна Урганчдан 28 фарсаҳ берироқда экан.

Изсиз кетган карвонлар қўнғироғи афсоналарга бекингандек гўё.

Изсиз кетган карвонлар қўнғироғи қўшиқлар қатида қайтадан жонланаётгандек, бугун билан ўтмишни қайта туташтираётгандек гўё.

Нукусга қайтиб, дўстлар билан хайрлашув чоғидаги анжуманда Гулхадича Ойимбетова қўшиқларини тинглаб, бу сир-синоатларга ошино тутиндик.

Кўнгил қат-қатига бекинган шаффоф ҳис-туйғулар жунбушга келарди. Ота-боболаримиз армонлари қўшиқ оҳангларида ўркач-ўркач бўлиб шаклланар, гоҳ маҳзун, гоҳо шодон авжлар чайқалар, бир-бири ила ранг талашарди Гулхадича қўшиқларини тинглаганимизда.

Бу куй, бу хониш юракларни сел қилди, кўм-кўк само бағрида гоҳ юксакка кўтарилгандек, гоҳ пастга тушгандек бўлдик, худди битта руҳга айландик, юлдузлар шуълаларига йўғрилиб кетдик.

Шунда қисқа муддат ичида кўрган-кечирганларимиз ўзаро туташди, муштараклик касб этди. Зотан, инсон умрининг мазмуни сарҳадсиз экан. Моҳият эса ўзликни кашф этишдадир.

Барчамиз ўз-ўзимизга Қодирий қаҳрамони нутқига қиёсан, шундай кенг мамлакатимиз бор экан, шундай алпомишкелбат қаҳрамонларимиз, сийрату сувратда Ойбарчиндан қолишмайдиган қизларимиз бор экану билмай юрган эканмиз-да, дегандай бўлдик. Бу маънини кўзлардан ўқиш, билиш мумкин эди...

Ҳар бир жабҳада мустақил Ватан ҳусну жамолини кўрдик. Мамлакатнинг эртанги кунини кўрдик. Бу биргина пўлат излар боисидан эди. Яна эҳ-ҳе, қанчадан-қанча манзиллар бор. Фарғона водийси-ю Қарши, Термиз тарафларда қурилишлар бор. Буларнинг барча шиддатини, авжини бир нуқтага хаёлан жамласак “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” ибораси узукка тушган кўздек таърифу тавсифларга сарлавҳа бўлади.

Демак, замондошларимиз Ватан куч-қувватини ўз руҳиятида жо этибди. Демак, келгуси ўн йилликлар пойдевори уларнинг эътиқоди, ишончи каби мустаҳкамдир, улуғвордир.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ, Мурод АБДУЛЛАЕВ, Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

**АСРГА ТАТИГУЛИК 10 ЙИЛ**

# ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИНГ, УСТОЗ!



Хушфеъл, меҳнаткаш, инсонни ҳар қандай вазиятда ҳам тушуна биладиган журналист сифатида Зиёд ака Есенбоевни кўпчилик яхши танийди.

Бундан қирқ йил аввал ёзувчи Мумтоз Муҳамедовнинг эллик йиллик тўйини нишонлагандик. Албатта, тўйга келган меҳмонларнинг илиқ фикрлар айтишиб, адибга соғлик, баркамоллик тилашди. Ўшанда шоир Акмал Пўлат: “Менга қара, Мумтоз. Сен қаерга борсанг, мен ҳам кетингдан бораверaман. Мана, кўрасан, “Муштум”га борсанг ҳам, “Ўзбекистон маданияти”га борсанг ҳам, дарров ҳозиру нозир бўлиб тураман”, дедилар, ҳаммани кулдириб. Акмал аканинг ҳазил-мутойибасини ёқтирганлари учунми, ҳеч ким у кишининг гапларини юракка яқин олмасди.

Орадан озми-кўпми вақт ўтиб, ҳақиқатда ҳам, Мумтоз Муҳамедов аввал “Муштум” журналига, сўнгра “Ўзбекистон маданияти”га муҳаррир этиб тайинланди. Акмал аканинг гапларини эслаб, “Тавба бу киши қандай қилиб бу ишларни аввалдан билишлари мумкин”, деб бошимиз қотди. Йиллар ўтиб, тажриба орттириб, оқ-қорани таниганимиздан сўнг англаб етдим: йўқ, Акмал ака аввалдан ҳеч нимани билмаганлар, балки, яхши ният қилганлар. Чин дилдан Мумтоз акага оқ йўл тилаганлар.

Айтмоқчиманки, яхши ният ҳар кимнинг умрига йўлдош бўлсин. Зотан, Зиёд ака Есенбоев етмиш йиллик тўйини нишонлаганида: “Мана шунча йиллар давомида республика газетасида, “Тошкент ҳақиқати”да муҳаррир, Матбуот қўмитасида раис бўлиб ишладим. Ҳозир бўлса, “Ўзбекистон матбуоти” журналида муҳаррирман. Бу журнал матбуотнинг ҳар бир соҳасини, радио, телевидение, китоб, газеталар фаолиятини ёритиб боради. Худо насиб этса, саксон ёшни қаршилагунимча шу қадрдон нашрни бошқариб турмоқчиман, шогирдларни бу ишда менга, албатта, қанот бўлишади”, деб ният қилгани кечагидек эсимда. Мана, бугун устознинг саксон йиллик тўйини нишонлаб турибмиз.

Шу ўринда бир гапни эслатиб ўтмоқчиман: ҳар бир ҳунарнинг, соҳанинг усталари бўлади. Агар биз “Ўзбекистон матбуоти” журналини чопқир отга ўхшатсак, унинг чавандози Зиёд Исломовичдир. Чунки бу журнал ана шу инсоннинг ишбилармонлиги, тажрибали раҳбарлиги боис эътиборга тушиб, вақтида чиқиб келаётир. Зиёд Есенбоевдаги қатъиятлик, ташвиқотчилик, одамлар кўнглини ола билиш қобилиятларидан ибрат олишимиз керак.

Матбуотнинг сермашаққат меҳнатига ҳар ким ҳам дош беролмайди. Тўғри, мухбир ва матбуотчиларнинг меҳнатини енгил баҳолайдиганлар ҳам бор. Бироқ, ўзим гувоҳман, биргина газетага ёки ойномага муҳаррир бўлишнинг масъулияти ва машаққати ўзига етарли. Шунинг учун ҳам серзавқ, матонатли ва асаблари метиндан бўлган кишигина узоқ йиллар давомида газета-журнал муҳаррири бўлиб ишлаши мумкин. Хусусан, Зиёд Есенбоевнинг шунча йиллардан бери матбуотда ҳалол меҳнат қилиб келаётгани таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонимиз матбуотининг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган замондошларимиздан мен билган Ғайбулла Нажимов, Убайдулла Иброҳимов, Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев, Ҳамид Ғулом каби кўп ижодкорлар қатори Зиёд Исломовичнинг ҳозирги давр матбуотининг шаклланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётганидан хабардорман.

Қадрли Зиёд ака! Қутлуғ саксон ёшингиз муносабати билан энг яхши тилакларимизни қабул қилинг. Ҳамиша дўст-биродарларнинг тўйларида чин дилдан айтадиган тилакларингиз ўзингизга ҳам ҳамроҳ бўлсин. Мана, Худога шукр, етмишдан ошдингиз, энди саксондан сакрайсиз, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашинг. Бизлар ҳам сизнинг ортингиздан шу сўқмоқларни забт этиб бораверайлик. Сизга соғлик-саломатлик, оилангизга фаровонлик тилаймиз.

**Ислом ШОҒУЛОМОВ, ношир ва журналист**

*Қутлаймиз!*

# ЁНИБ ЯШАГУВЧИ БИР ЖОН



Уни ўқишни битириб, журналистикага эндигина кириб келган йилларидан биламан.

— Алиназар Эгамназаров, “Тошкент оқшоми” газетаси ходими, — деб таништирган эди ўшанда таҳририят бўлим бошлиғи Раҳима Шомансурова.

Унинг "Саодат" учун келтирган “Гулдаста” сарлавҳали илк лавҳасини ўқиганимда муаллифнинг зийраклиги, ёзаётган соҳасининг ипидан игнасигача илғаб, воқеаларни жонли ифодалаши манзур бўлган эди менга. Ҳатто ўшанда лавҳани топширган бўлим бошлиғига: “Бу ҳамкасбимиз исми жисмига мос Али назар қилган инсон эканлар. Маҳкам ушланг бундай муаллиф, ҳали кўп яхши очерклар ёзади”? — дегандим.

Шу-шу журналист Алиназар Эгамназаров "Саодат" журналининг фаол муаллифларидан бўлиб қолди.

Ҳаётнинг оқар сувлигини қарангки, ўшангаям қирқ йил бўлибди. Ўтган йиллар журналист ва адиб Алиназар Эгамназаров учун ижод бобида жуда баракали бўлди. У нимагаки эришган бўлса ҳаммасига тиришқоқлиги ва иродаси сабаб.

Алиназар Эгамназаров университетни томомлабоқ, журналистик фаолиятини "Сирдарё ҳақиқати" газетасида бошлаган эди. У йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш ҳаёт талаби бўлганлиги учун ҳам журналист умри кеча-кундуз бирдай чўлда ўтарди. Билишимча, айни шу йиллар Алиназар журналистик ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотиб кўрди. Унинг "Тошкент оқшоми" газетаси ва "Шарқ юлдузи" журнали, илмий нашриётдаги хизматини ижодий камолотга эришиш йиллари деса бўлади. Бу йиллар мобайнида у "Устозга таъзим‘, "Очиғини айтганда", "Муқаддас уй", "Йигирма миллиондан бири" каби қатор китоблар чоп эттирди.

Алиназар Эгамназаров кўз ўнгимизда, ҳаётда рўй берган воқеа ва ҳодисалардан ўз хулосасини чиқарувчи, теран фикрловчи тарихчи адиб сифатида шаклланди. Илгарироқ чоп эттирган асарларини унинг ижодий юксалишида бир довон бўлган деб билсак, сўнгги йилларда нашр қилинган "Сиз билган Дукчи эшон" ва "Сургун" китоблари адибнинг ижодий фаолиятида муваффақият билан ошиб ўтилган яна бир довон бўлди. У бу асарларида халқимизнинг истибдод зулми остида чеккан жафоларини акс эттиради ва ҳаққоний қилиб кўз ўнгимизда гавдалантиради. Унинг тасвири шу даражада ишонарлики, китобхон гоҳ йиғлайди, гоҳ истибдодга қарши тенгсиз курашга ўзини бахшида этган Дукчи эшон ва унинг муридларининг афсонавий ботирликлари билан фахрланади. Унинг бу асарларини ўқиганимда, асар муаллифи менга ёниб яшагувчи бир жон бўлиб кўринади.

Адиблар маълум тарихий воқеаларни қаламга олганда тарихчиларнинг маълумотларига таянадилар. Журналист ва адиб Алиназар Эгамназаров эса ҳали тарихчиларимизга ҳам унчалик маълум бўлмаган воқеани — Дукчи эшон бош бўлган кураш тарихини чуқур таҳлил қилиб асар ярата олди.

Шу кунларда олтмиш ёшга тўлган қадрдон биродаримиз Алиназар Эгамназаровнинг қалби ҳали куч-ғайратга тўла. Биз ундан янги-янги асарлар кутиб қоламиз.

**Холида АҲРОРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Азим СУЮН

# ҲАЁТИМ АСОСИ — ТАФАККУР, ИБРАТ

## «ЭЙ ДЎСТ» НОМЛИ БЕШ ЮЗ БЕШЛИКДАН ИБОРАТ ЯНГИ КИТОБДАН



*1.*
*Эй дўст.*
*Инсон юзи — ойна, хил-хил қилиқлик,*
*Бахтиёрлик эрур тоза, тиниқлик.*
*Андуҳ-ғамларингни яширма қанча,*
*Унга қалқиб чиқар акси: синиқлик.*

*2.*
*Эй дўст.*
*Ҳушёрлик — ҳикматдир. Дунё тала-тўп,*
*Кўзни кўр қилиши мумкин битта чўп.*
*Тил-чи, балиқ гўё, о, унинг думин*
*Ликиллатиб сувни лойқалатма кўп!*

*3.*
*Эй дўст.*
*Қайда тилло-жавоҳир, айлайин баён,*
*Уларни қўриқлаб ётармиш илон.*
*Меҳнатсиз ғазнага эга бўлгум деб,*
*Илон-аждарга ем бўлмасин инсон.*

*4.*
*Эй дўст.*
*Инсон бунча ўзга оламларга ўч,*
*Ўз макони қолиб кўкка уча-уч.*
*Она сайёрангни яхшиси сақла,*
*Қиёмат қўпса гар бўлмас кўча-кўч.*

*5.*
*Эй дўст.*
*Бошинг кўкка етсин, кўкрагингни кер,*
*Лекин бир донишманд, мана, нима дер:*
*Мағрурлик — таъма бу! Чиранма! Бир кун*
*Ота Ер, она Ер — ҳаммамизни ер.*

*6.*
*Эй, дўст.*
*Ақл қувватини, тан қувватини*
*Уйғун бир оламда тутса ким агар,*
*Кутаверсин ҳаёт марҳаматини —*
*Вужуди саломат, руҳи мунаввар.*

*7.*
*Эй дўст.*
*Киргум деб ўйлама холис хонага,*
*Тилни етти қарич қилма самога.*
*Даҳлизда қолдир ул қилич бўлса ҳам,*
*Зинҳор олиб кирма меҳмонхонага.*

*8.*
*Эй дўст.*
*Тун ва куннинг чин чиройин саҳар кўрдим,*
*Соғлом ақл қувватларин сарвар кўрдим.*
*Ҳасад ичин куюк қилган рақибим кўп,*
*Аламзада каслар тилин заҳар кўрдим.*

*9.*
*Эй дўст.*
*Одам бор, яхшироқ совуқ бақа ҳам,*
*Отга бўлолмагай эгри тақа ҳам.*
*Дунёга не учун келару кетар,*
*Бир тўнга енг бўлмас, бўлмас ёқа ҳам.*

*10.*
*Эй дўст.*
*Раҳмат нури ёғсин бул баҳорларга,*
*Кўзни яшнатгувчи дилтортарларга.*
*Фикру вужудингни соғлом тут бугун,*
*Эртага ем бўлгай чаён-морларга.*

*11.*
*Эй дўст.*
*Бир харсангтош кўрдим олис саҳрода,*
*Ўймоқ — қадаҳи бор, мен қуйдим бода.*
*"Ёлғизман..." — ёзғирди суҳбат асноси,*
*Тасалли беролмай кетдим ғамбода.*

*12.*
*Эй дўст.*
*Қулоғим кар эрур, кўзларим — бедор,*
*Тоғдами, саҳрода бўри бўридир.*
*Кимки пора бериб бўлса амалдор,*
*Кўрдим, ул кимсадан эл-юрт шўридир.*

*13.*
*Эй дўст.*
*Баҳор доим баҳорлигин аён этар,*
*Офтоб нури булутларни ёриб ўтар.*
*Бижғиб ётган кўлмакларни кўп кўрдим мен,*
*Оқар сувлар ўз йўлларин топиб кетар.*

*14.*
*Эй дўст.*
*Ҳаёт дарсин ўқиб келдим ҳар қачон,*
*Гоҳо совўб кетдим, гоҳ тушдим терга.*
*Инсон ғам-шодлиги экан ёнма-ён,*
*Бири кўкка тортар, бириси ерга.*

*15.*
*Эй дўст.*
*Гадо тўйи бошқа, бой тўйи бошқа,*
*Азаси бошқадир, куй-кўйи бошқа.*
*Иссиқ-совуғимни ўзим билурман,*
*Уй-уйи бошқанинг ўй-ўйи бошқа.*

*16.*
*Эй дўст.*
*Ёвни кам кўрмагил, суст кўрма уни,*
*Бошинга етмоғи мумкин бир куни.*
*Саҳрода кўрдимки, митти қорақурт,*
*Тупроқ тишлатибди катта йилқини.*

*17.*
*Эй дўст.*
*Сўнма орзум, тушмагил терга,*
*Зил умримни етаклагил аҳд.*
*Бошин эгиб қўйса ҳам ерга*
*Фақат кўкка кўкарар дарахт.*

*18.*
*Эй дўст.*
*Бугун юзи қора, ким бўлса қастда,*
*Кўнглим оғриқлари бахтга пайваста.*
*Бир туп ўрик бўлиб баҳорим, боққил,*
*Менга тутиб турар улкан гулдаста.*

*19.*
*Эй дўст.*
*Дунёда шер янглиғ ялқов ҳайвон йўқ,*
*Ул кабиқ серғафлат, лоқайд, нодон йўқ.*
*Лекин яраланса дуч келма зинҳор,*
*Бас келадиган бир куч-дармон йўқ.*

*20.*
*Эй дўст.*
*"Қоплон ўлдирганман..." бир овчи менга*
*Ёш пайтим мақтаниб қилганди баён.*
*Яқинда эшитдим — айтайин сенга,*
*Чақиб ўлдирибди уни бир чаён.*

*21.*
*Эй дўст.*
*Мудом табиатга меҳрим сочгандим,*
*Ғалат ҳолатлар юз кўрсатди гоҳи:*
*Тоғда бир булоқнинг кўзин очгандим,*
*Ажаб, қуриб қолди, ўзим гувоҳи.*

*22.*
*Эй дўст.*
*Бир сир борасида дил ёролмадим,*
*Рўзғор — кундалик ғор, не билолмадим.*
*Ҳар кун бозордаман тўлдирай дея,*
*Умрим ўтиб борар — тўлдиролмадим.*

*23.*
*Эй дўст.*
*Боғнинг заҳар-қиёғи бор,*
*Булбулнинг зоғ сиёғи бор.*
*Кеч бўлса ҳам англаб етдим:*
*Дўстда душман қулоғи бор.*

*24.*
*Эй дўст.*
*Болари тилида — оғзида асал,*
*Минг бир дардга даво, хуштаъм ва гўзал.*
*Ва лекин думида ниш — заҳари бор,*
*Мен уни унутиб кўп бўлдим ўсал.*

*25.*
*Эй дўст.*
*Таниш олим деди: «Менинг қўлим тут,*
*Бир кашфиёт қилдим, кўзларингга сурт.*
*У шундай балоки...» — сўзини бўлдим:*
*— Касби ёт, кашфи ёт, — демасин эл-юрт.*

*26.*
*Эй дўст.*
*Қалбимдан отилиб чиқади унлар,*
*Битта хулосага келдим шу кунлар.*
*Пар тўшак, пар ёстиқ аскар ғаними,*
*Чин шоир ғаними роҳатли тунлар.*

*27.*
*Эй дўст.*
*Бир ҳолни кузатдим мен мўмин банда,*
*Айтиб қўяй дедим кези келганда:*
*Бемағиз писталар очиб оғзини,*
*Ўзлари ўзларин қилар шарманда!*

*28.*
*Эй дўст.*
*Булоқлар пайдодир, дарёлар ютар,*
*Дарёни уммону саҳролар ютар.*
*Тўғри йўл турганда эгри йўл нечун,*
*Инсонни нафс деган юҳолар ютар.*

*29.*
*Эй дўст.*
*Тугал истайсан, оҳ, бир кам дунёни,*
*Юрагинг оғрийди — тунларинг бедор.*
*Дунни қўй! Даволa бир бечорани —*
*У шундоқ ёнингда — ўни кам бемор.*

*30.*
*Эй дўст.*
*Ўйлайман оламнинг охиратини,*
*Охират оламин қиёматини.*
*Ҳар макон, ҳар замон кўргим келади,*
*Оламга одамзот оқибатини.*

*31.*
*Эй дўст.*
*Кўчада туновчи, ёлғончи, чинчи,*
*Барига жавоб бор бўлса-да синчи.*
*Не қилгунг — қозига дўст бўлса агар:*
*Порачи, алдамчи, авровчи, кунчи.*

*32.*
*Эй дўст.*
*Бир дўстим бор эди жону қонимда,*
*Бирга жанг қилардик жанг майдонида.*
*Ханжарин яшириб, орқамдан келиб,*
*Курагимдан урди ғолиб онимда.*

*33.*
*Эй дўст.*
*Бир назардан эр тузалар,*
*Шаррос тинар — сел тузалар.*
*Битта ҳикмат менга аён:*
*Сўз тузалса — эл тузалар.*

*34.*
*Эй дўст.*
*Гар ўртада бўлмаса бурун,*
*Кўзни ўяр кўз элдан бурун.*
*Бу ҳикматни оқилу доно*
*Айтиб кетмиш бурундан бурун.*

*35.*
*Эй дўст.*
*Тун босиб келарди... данғиллама йўл,*
*Мен ундан қочардим — бошим омон бўл!*
*Баҳайбат ўргимчак тўри сингари*
*Тўрт ёнимдан аммо чирмаб олди ул.*

*36.*
*Эй дўст.*
*Юзинг қани сенинг? Юзинг йўқ.*
*Сўзинг қани сенинг? Сўзинг йўқ.*
*Юзинг ҳам, сўзинг ҳам бўларди, аммо,*
*Ўзинг қани сенинг? Ўзинг йўқ!*

*37.*
*Эй дўст.*
*Не учун ортимдан узмайсан қадам,*
*Узун-қисқа кўлка сингари мудом.*
*Қўй, танийман сенинг икки юзингни,*
*Тилининг тагида тили бор одам!*

*38.*
*Эй дўст.*
*Ўрмонга бормадим ўтин орқалаб,*
*Қудуқ қазимадим дарё ёқалаб.*
*Ўз юким елкамда, баъзилар нечун,*
*Тақдиримга тағин турар ўт қалаб.*

*39.*
*Эй дўст.*
*Бир ариқ сув оқиб ўтар ҳовлимдан,*
*Саҳройи бандаман — оқар жонимдан.*
*Сен унга тупурма, бахт каби уни*
*Тилаб олганман-ку, мен Худойимдан.*

*40.*
*Эй дўст.*
*Одамни одам одам қилади,*
*Оламни одам олам қилади.*
*Одамни олам адо қилмагай,*
*Одамни одам адо қилади.*

*41.*
*Эй дўст.*
*Бир Гулга дил сирин айтиб куласан,*
*Гўё уни қойил қилмоқ бўласан.*
*Ҳеч гапмас, ёвингга айланар бир кун,*
*Сир-асроринг қадрин шунда биласан.*

*42.*
*Эй дўст.*
*Бир илон дўст бўлиб кирди қўйнимга,*
*Сўнгра пўст ташлади, аждарга дўнди.*
*Чирмашиб олган у бўйим, бўйнимга,*
*Ҳолимни тасаввур қилавер энди.*

*43.*
*Эй дўст.*
*Бир қуш учиб кирди хонамга ўзи.*
*Сўнг зарбдан қизарди дераза юзи.*
*Наҳотки сиғмади бепоён кўкка,*
*Жон берди кулбамда куппа-кундузи.*

*44.*
*Эй дўст.*
*Икки саъва ошён қурган боғимга,*
*Раҳматлар айтурман жуфт сайроқимга.*
*Суюб қучгим келар — очаман қучоқ,*
*Лекин улар келмас тор қучоғимга.*

*45.*
*Эй дўст.*
*Оқиллар ортиқча мол-дунё йиғмас,*
*Йиққанларин ёлғиз оғзига тиқмас.*
*Боболардан қолган гаплар бор ахир;*
*Меҳмонсиз эл-юртнинг довруғи чиқмас.*

*46.*
*Эй дўст.*
*Раққоса айланар, тўхтамас бир зум,*
*У билан чарх урар замину само.*
*Тўхтаса тўхтайди дунёи азим,*
*Айланса айланар бу эски дунё.*

*47.*
*Эй дўст.*
*Сахийман деб кўкракка урмай тур, қани,*
*Унга меҳр қўшилганми, ўйлаб кўр, қани.*
*Қирқ кечаю қирқ кундуз ош бердинг элга,*
*Муҳаббат бермасанг гар бир пулдир бари!*

*48.*
*Эй дўст.*
*Турлик қуш ҳовлингга қўнарлар тўп-тўп,*
*Қушдан ожиз улар, насибасин сеп.*
*Гар қувласанг қувла менинг кўнглимга,*
*Бу дўстларга унда дон-дунларим кўп.*

*49.*
*Эй дўст.*
*Бу не сир ўзи Вақту маконларда,*
*Тунда руҳим сайр этар осмонларда.*
*Тонгда тағин танамга қайтадир ул,*
*Одамман Замин отлиқ қўрғонларда.*

*50.*
*Эй дўст.*
*Биринчи амалим сабр-қаноат.*
*Иккинчи амалим ҳаракат-қудрат.*
*Тўтиқуш эмасман Олам қасрида,*
*Ҳаётим асоси — тафаккур, ибрат!*

Давра суҳбатида адабиётда ҳозирги давримиз қаҳрамонлари, бунёдкор замондошларимиз образи кўринмаётгани, ёшлар ибрат оладиган фидойи ватанпарварлар сиймоси камроқ яратилаётгани тўғри айтилди. Бундай ибратли образлар ҳар қачонгидан кўра ҳам ҳозирги давримиз — замондошлар маънавий оламини бойитиш учун ниҳоятда зарурдир. Бу эҳтиёжни тўғри тушуниш керак: замонавий асарларда нуқул ютуқларни мадҳ этиш керак экан, деган хулосага келмаслик лозим. Истиқлолимиз, буюк келажагимиз йўлидаги шахдам одимларга тўсиқ бўлаётган иллатларни ҳам бадиий асарларда фош этиш, иллатларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотиш ҳам ижодкорлар зиммасидаги вазифа.

Адабиёт тарихига назар ташласак, ибрат бўладиган қаҳрамонлар ҳар бир даврда ўзига хос бўлганини кўрамиз. Мумтоз адабиётимизда кўпинча шоҳ ва шаҳзодалар образлари достонларнинг бош қаҳрамони қилиб олинган. Чунки халқ ва мамлакат тақдири кўпинча уларнинг давлатни қандай идора этишганига боғлиқ бўлган. Ҳатто халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам кўпинча эл, юрт тақдирига масъул инсонлар образлари ибратли қаҳрамон сифатида кўрсатилган. XX аср бошидаги адабиётда эса маърифатпарвар, халқпарвар, миллат учун

**Акс—садо**

## УСТОЗЛАР ТАЖРИБАСИДАН ЎРГАНАЙЛИК

фидойи кишилар кўпроқ ибрат намунаси сифатида қаламга олинди. Юсуфбек ҳожи, Отабек, Мирзакарим қутидор, Анвар каби образлар ҳам аслида жадид адабиёти маҳсулидир. Шўролар даврига келиб коммунистлар ҳаммага ақл ўргатувчи, бекаму кўст, комил инсонлар каби тасвирланди. Бу ҳол адабиётни жўнлаштиришга, бачканалаштиришга олиб келди.

Бугунги кунга келиб, истиқлол туфайли ижод эркинлигига эришган ёзувчилар олдида бадиий асар қаҳрамони қандай бўлиши керак, қайси касб эгасининг сиймоси ибрат бўла олади, деган масалалар турибди. Шу маънода, биз истаймизми, йўқми тижоратчилар, тадбиркорлар ҳозирги ижтимоий ҳаётимизнинг об-ҳавосини белгилашади. Лекин бу касб эгаларига нисбатан халқда шўролар даврида уларни олиб сотарлар, чайқовчилар сифатида тасаввур қилишга кўникиш ҳосил этилганди. Ваҳоланки, ўтмишда савдо билан шуғулланиш, тадбиркорлик шарафли касб ҳисобланган, бу касб эгалари улуғланган. Ривожланган мамлакатларда эса уларни "мамлакат иқтисодининг локомотиви", деб юксак баҳолашади. Лекин бизда бу табақа вакиллари ҳали турмушда ибрат бўларли даражада ривожлангани йўқ. Уларнинг кўпчилиги ҳозирча давлат, халқ манфаатидан кўра, ўз манфаатини яхши кўриши ҳам сир эмас.

Яқинда газетада бир хабарга кўзим тушди. Унда ёзилишича, индонезиялик тадбиркорларнинг кўпчилиги мамлакат иқтисоди таназзулга учраш хавфи сезилганда, бор маблағларини давлат ихтиёрига топширишган. Бу жуда кўп миллионларни ташкил қилиб, Индонезияни иқтисодий ҳалокатдан сақлаб қолибди. Мен бу хабарни ўқиб, қани бизда ҳам шундай ватанпарвар, ўз манфаатидан давлат манфаатини устун қўядиган тадбиркорлар авлоди тезроқ етишиб чиқса, дея умидландим.

Адабиёт замон муаммолари билан, албатта, шуғулланиши керак. Баъзан адабиёт сиёсатдан холи бўлиши керак, деган фикрлар айтилади. Менимча, бу бир ёқлама фикр. Чунки адабиёт билан сиёсат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Фақат буни тўғри талқин қилиш керак. Тарихда одил сиёсатдонлар ҳамиша адабиётга суянган, ўз навбатида буюк ёзувчилар учун шахсий ҳис-туйғулардан кўра Ватан, миллат, халқ муаммолари юқори турган. Улар ҳар бир асарида ўзи яшаётган замон муаммоларини турли услубларда акс эттирган. Бунга буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди мисол бўла олади. Хусусан, "Ҳайратул аброр" достонида эзгулик ва адолатли замон идеаллари публицистик руҳда баён қилинган. Ўзи яшаган жамиятнинг нисбатан тоза, адолатли бўлиши учун қандай иллатлардан эҳтиёт бўлиш кераклиги ёзилган. Шоир инсофсиз, нафси бузуқ, пасткаш амалдорларни қаттиқ танқид қилиб, улар ҳақида шундай дейди:

"Ёлғонни исботлаш учун узундан-узоқ айбномалар ёзади. Саҳифани ўз юзидек қора қилади. Барча хиёнатни диёнат деб билади. Ҳар қандай диёнатга хиёнат қилади. Фисқ-фасод, иғво қилиб, сарвдай тўғри, савсандай озод одамларни ҳам ўз йўлига юргизади. Пул бермаса, бўйдоқ ўтган Исо пайғамбар устидан ҳам никоҳида тўққизта хотини бор, деб ёзишдан тоймайди. Пора учун бир бош узум бераман деса, жаннатга ўхшаган бутун бир боғни куйдириши мумкин... (Алишер Навоий, "Ҳайратул аброр", насрий баёни. 295-297-бетлар).

Менимча, буюк шоирнинг бу фикрларини изоҳлашга ҳожат йўқ, уларда ҳамма нарса очиқ-ойдин айтилган. У ўзи яшаётган давр иллатларини аёвсиз фош қилмоқда. Шунинг учун унинг асарлари ҳамма замонларга бирдай хизмат қилади ва ибрат намунаси бўлиб ҳисобланади.

Демак, бугунги ижодий жараёнда биз буюк устозлар тажрибасига, мумтоз адабиётимиз анъаналарига таянсак ёмон бўлмайди.

**Ҳамид АБСАМИЕВ,**
**Самарқанд Давлат университети доценти**

**Журналларни варақлаганда**



"Имом ал-Бухорий сабоқлари" журналининг 2001 йилдаги 2-сони нашрдан чиқди. Ушбу сон мустақиллик инъом этган энг буюк неъматлардан бири — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган. Журнал бош муҳаррири З.Мунавваровнинг "Хотирамизнинг сарбаланд маёғи" мақоласи билан бошланади.

"Абадий барҳаёт китоб" рукни остида Шарқшунослик институтида сақланаётган Қуръони каримнинг қадимий нусхалари ҳақида таниқли манбашунос М.Ҳасанийнинг "Куфий хатида ёзилган Қуръонлар" номли қизиқарли мақоласи жой олган.

Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган рукн бу сонда ҳам давом эттирилган. А.Қаюмовнинг "Навоийга бағишланган тафсир", С.Ғаниеванинг "Туҳфат ус=салотин ёхуд шоҳ байтлар мажмуаси", Э.Умаровнинг "Ўзбек тилининг жонкуяри", Ш.Ғаффоровнинг "Муножотда тасаввуф талқини" мақолалари буюк мутафаккир ижодининг кам ўрганилган қирраларини ёритишга бағишланган.

"Замонамиз уламолари" рукни остида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида қарийб ярим аср хизмат қилиб, ўзининг эзгу ишлари билан халқимиз эъзозига сазовор бўлган марҳум Шайх Юсуфхон Шокир ҳақида ҳикоя қилинган.

Шунингдек, журнал саҳифаларида Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг "Сийрат ал-Имом ал-Бухорий" асарининг давоми, яқинда юртимизга ташриф буюрган дунё нақшбандия тариқати издошлари раҳбари Шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан мулоқот, таниқли драматург А.Иброҳимовнинг Тошкент тарихига бағишланган "Кечмишдан мужда" мақоласи ўрин олган.

Ушбу сонининг ўзига хос янгилиги унинг таркибида "Имом ал-Бухорий авлодлари" номли ёшлар журналчаси ташкил этилганидир. "Журнал ичидаги журнал"да миллий-диний қадриятларимиз, ўтмишда яшаб, ижод этган буюк аждодларимиз ҳаёти ва мероси, ислом маданияти, ахлоқи, фалсафаси, ёшлар ҳаётига доир муаммолар, ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари ёритилган. "Ҳадисларнинг улуғ ҳикмати", "Маънавиятимизнинг олмос қирралари", "Ислом фалсафаси дурдоналаридан", "Устоз ва шогирд", "Конституциямизни ўрганамиз", "Замонамизнинг қаҳрамонлари", "Гиёҳвандлик-офат", "Ёшлар ахлоқи муаммолари", "Тарозининг иккинчи палласи" каби рукнларда ёшлар ҳаётининг кўпгина қирралари қамраб олинган.

*Боир ХОЛМИРЗАЕВ:*

# ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

***Баъзи актёрлар дастлабки қадамларидаёқ "ярқ" этиб кўзга ташланадилар, мухлислар орттирадилар. Баъзилар эса анча вақт изланиш билан банд бўлиб, ижодларининг қайсидир босқичида дафъатан эврилиш содир бўладию санъат оламида фавқулодда кўзга ташланадилар. Мен Боир Холмирзаевни ана шундай актёрлар сирасига киритгим келади. Чунки Боир театр саҳнасидаги дастлабки қадамларини ёмон бошлагани йўқ. Муқимий номидаги театрда устозлар эътиборини қозонди, мутахассислар тилига тушди. Ролдан ролга ўтгани сайин тажрибаси ортди, маҳорати сайқал топди. Мен бу актёрни Рустам Маъдиев саҳнага қўйган "Тақдир" спектаклида ўзим учун кашф этдим. Спектаклдан сўнг узоқ муддат ўтса ҳамки, Бўронхўжа — Боирнинг қиёфаси кўз ўнгимдан кетмади. Унинг дард-аламларга, айни вақтда ишқ-муҳаббатга тўлиқ нигоҳи, баъзан синиқ, баъзида қатъий сўзлашлари юрагимга ўрнашиб қолди.***

***Боир телевидение орқали намойиш этилган "Кўнгил кўчалари" видеофилмида яратган Жавлон образи билан кўпчилик суйган санъаткорга айланди. Мухлислари унинг ижодини жиддий кузатиб борадиган бўлдилар.***

***Актёрнинг ички имкониятларини рўёбга чиқаришда ТВ катта аҳамият касб этди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:***

*Учрашув*

— Театр, телевидение, дубляж — буларнинг ҳар бири ўзига хос мураккаб олам. Хусусан, телевидениенинг имкониятлари ҳар бир санъаткор учун муҳим ва фойдали. Сиз бу имкониятларни санъатнинг радио, дубляж, ҳатто театр каби турларида учратолмайсиз. Чунончи, зарур, ҳал қилувчи лаҳзаларда Сизни томошабин билан яқин масофаларда юзлаштиради. Сийратингизда кечаётган барча ҳиссиётлар, юрагингиздаги дарднинг уқилиши учун кенг майдон яратиб беради. Бу имкондан ҳар ким ҳам унумли фойдалана олмайди.

***— Мухлислар яқинда кино санъатидаги илк ролингиз — "Паримомо" филмидаги Султонали образи билан ошно бўлишди. Миллий кино санъатимиздаги бугунги жараёнлар ҳақида фикрингиз қандай?***

— Яхши филмларимиз бор, бундан кўз юммаслик керак. Лекин жаҳон экранларига чиқишга арзирли миллий филмларимиз йўқ ҳисоби. Узоққа бормайлик, кўпчилик севиб томоша қиладиган ҳинд филмларини олинг. Уларнинг савияси, бадиий жиҳатлари мутахассисларга ҳавола. Мен бу жиҳатларни ҳам эътибордан соқит этмаган ҳолда айтмоқчиманки, дастлабки кадрларданоқ сиз ўзингизни Ҳиндистонга бориб қолгандай ҳис қиласиз. Ҳар бир кўриниш, уй-жойлар, одамларининг кийиниши, ҳатти-ҳаракати, ҳатто имо-ишораларию кўз қарашларигача "мана ман, ҳиндман" деб туради. Хуллас, икки соатдан ортиқ вақт мобайнида Ҳинд юртида меҳмон бўлиб қайтасиз. Нимага бизнинг филмларимиз шундай эмас! Баъзан юртимиз манзараларини ҳам танимай қоламиз. Қаҳрамонлари ўзбек бўла туриб, ўзбекона яшамайди, ўзбекча "сўзламайди", ҳатти-ҳаракатлари ҳам бизнинг кишиларга ўхшамайди.

Яхши филм яратиш учун аввало кинорежиссёр халқ ҳаётини чуқур билиши, кишиларнинг орзу-ўйлари, дард-ташвишлари билан яшаши керак. Ҳадеб санъатга алоқаси йўқ, тасодифий "юлдуз"ларни кашф қилишга ружу қўймасдан, бор актёрлар имкониятини юзага чиқариш йўлларини излаш лозим. Очиғини айтганда, агар таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик қилинмаса, ҳукумат бюджетдан ажратаётган маблағга бемалол яхши филмлар яратса бўлади, деб ўйлайман.

***— Бундай муаммолар театрларимиз учун ҳам хос эмасми?***

— Гапингизда жон бор. Ҳозир театр санъатимиз миллий ўзига хос йўлни топиш учун изланиш жараёнида. Ижод шундай бир ҳодисаки, баъзида бир кўтарилиб, авж нуқтасига етса, баъзида қандайдир муддатга ҳаракатсизланиб қолиш, қалқиш каби ҳолатлар чиғириғидан ўтади. Бундай ҳолатдан театр ҳам мустасно эмас.

Ўзимизнинг театр фаолиятидан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳозир биз яхши асарларга муҳтожмиз. Шунчаки ёзилган, баёндан иборат пьесалар анча-мунча топилади. Ҳатто баъзи муаллифлар даъво ҳам қилиб қўядилар: "Ана, кўрсатаяпсизлар-ку, бошқа асарларни, менинг асаримнинг улардан қаери кам?" деб. Ахир, биродарлар, яширмаймиз, саҳналаримизда саёз, бўш асарлар ҳамон учраб турибди. Бу асарлар, эҳтимол, ўз вақтида кимнидир хафа қилмаслик ёки таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик юзасидан қўлга олингандир. Мавжуд шароитда замонавий қаҳрамон, бугунги юртдошимиз маънавий-ахлоқий қиёфаси ҳақида жиддий баҳслар бораётган, бу ишга ҳукумат миқёсида аҳамият берилаётган бир пайтда юзаки асарларни саҳналаштиришга ҳаққимиз йўқ.

Менинг назаримда, театр — улкан музёрар кема. У музларни ёриб, ортидаги кичик кемалар, қайиқларга йўл очиши, уларни эргаштириб юриши лозим. Демоқчиманки, театр томошабинни ўз ортидан эргаштира олиши керак. Бунинг учун эса пишиқ-пухта асарларни танлаб, саҳнага олиб чиқишга қодир режиссёрлар зарур. Санъаткорлар орасида "Ҳар бир спектакл премьера бўлиши керак", деган гап юради. Ана шунда ҳар бир саҳна асари спектаклдан спектаклга сайқал топиб бораверади. Афсуски, ҳозир айрим театрларимизда бунинг акси бўлаяпти. Баъзи спектакллар қўйилгани сари бачканалашиб, саёзлашиб бораяпти. Актёрлар "илҳомланиб" ўзлари истаган сўзларни, жумлаларни қўшиб, "янгилик" яратиб ётишибди. Эҳтимол, ўртамиёна савияли томошабин бундай "янгиликлардан" хурсанд бўлаётгандир. Бироқ бу асарларнинг эртаси қандай бўлади? Актёрларнинг мавқеи-чи? Менимча, ўзини ҳурмат қилган актёр томошабин ортидан эргашиб, истеъдодини бозорга солмайди...

***—Ҳозир театрларимизда авлодлар алмашинуви давом этмоқда. Ана шу жараёнда яхши анъаналаримизни сақлаб қола олаяпмизми?***

— Бир ҳақиқатни тан олиб айтиш кераккки, ҳозирги айрим ёш актёрларда театрни муқаддас билиш, саҳнани табаррук жой сифатида эъзозлаш туйғуси заифроқ. Мен ўзимни устоз Ҳамза Умаров фотиҳасини олишга мушарраф бўлган энг охирги шогирдлардан бири, деб ҳисоблайман. У киши саҳнага чиқиш олдидан ҳеч нарсани эшитмасдилар. Агар кўришай десангиз қўллари муздек, сесканиб кетардингиз. Ҳаяжондан шундай бўларди. Талабалик давримда Ҳамза театрида реквизитор бўлиб ишлардим. Ўшанда атоқли санъаткор Шукур Бурҳонов ижросини кўп бор яқиндан кузатганман. "Қиёмат қарз" спектаклини қанча кўрсак ҳам, ҳар сафар устоз ижросидан таъсирланиб кетардик. Устозларнинг буюклиги ҳам шунда эди. Қани, ҳозир кимнинг ижроси томошабинни шундай ларзага солишга қодир?

Яна бир камчилигимиз саҳна нутқи масаласида намоён бўлмоқда. Истаган спектаклингизни кўринг, шевачиликка берилиб кетиш ҳолларига гувоҳ бўласиз. Бу ҳолда саҳна нутқининг ўзига хос жозибаси, виқори, салобати йўқолади-ку, ахир.

Бир шогирд сифатида Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров каби актёрларнинг ижодий тақдирига ҳавас қиламан. Чунки уларнинг ўз томошабини бўлган, мухлислар атайин бу санъаткорлар ижросини кўриш учун театрга келганлар. Бу актёрларнинг ўз ижро услуби, ўрганишга, асраб-авайлашга арзигулик ўз мактаби бор. Биз ўз изланиш-интилишларимизда улар яратган ўлмас санъатдан руҳланишимиз, шу асосда қад ростлашимиз керак.

***— Сизни санъатнинг яна қандай турлари қизиқтиради?***

—Кейинги вақтларда режиссура санъатига ички бир интилиш, майл сезаман ўзимда. Бу хусусда ўйлаб юрган фикр-мулоҳазаларим, режаларим ҳам йўқ эмас!

Камолиддин Раҳимов ва Маъмуржон Тўхтасинов қўшиқлари дилимга ором бағишлайди. Уларнинг қўшиққа матн танлаш, бастакорлар билан ишлашига қойил қоласан. Қани энди ёшларимиз шу хонандалардан ўрнак олишса.

Бугун эстрада куй-қўшиқларининг ёш ижрочиларига катта имкониятлар яратиб берилаяпти. "Сезам", "Гранд", "Водий садоси", "Ўзбегим таронаси", "Ёшлар" радио каналлари орқали узлуксиз замонавий куй-қўшиқлар янграб туради. Агар ана шу каналлар ҳеч бўлмаса эшиттириш бошланишида ўзимизнинг ўзбекона миллий куй-қўшиқларимиз билан ёшларни таништириб борилса яхши бўларди.

***— Ўз ижодий фаолиятингиздан қониқасизми?***

— Ижоддан қониқиш —ўсишдан тўхташ дегани. Менинг ҳозир айни ишлайдиган вақтим. Фақат мен эмас, театримизда Насриддин Рустамов, Ҳамид Тўхтаев каби айни ижодий куч-қувватга тўлган истеъдодли актёрлар бор. Бундай актёрларнинг камида бир-иккита ўз спектакллари бўлиши керак. Қани энди алоҳида актёрларга атаб ёзилган асарлар ва шунга муносиб актёрлар кўпайса.

Ҳозир бизнинг олдимизга "Ёшлар театр санъати истиқболи учун нима бера олади?" деган савол қўйилса, аниқ жавобимиз, режаларимиз борми? Мана шу ҳақда жиддий ўйлашимиз керак. Вақт ҳеч қачон кутиб турмайди. Вақтнинг этагидан тутмоқчи бўлган одам фақат олдинга юриши, эзгуликни мақсад қилиб олиши лозим.

***—Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.***

**Гулчеҳра УМАРОВА суҳбатлашди**

# БАҚАТЕРАК

**Ҳажвия**

Шашт билан хонага кириб келган ширкат раиси Болта Топилдиев, бош ҳисобчи билан бош муҳандиснинг нарда ўйнаб ўтирганини кўрди-ю, оғзига эрк берди:

— Э, отангга балли! Қойил! Баракалла! Мен комиссия олдида титраб-қақшаб шолғомдек қизариб-бўзариб икки соат тик оёқда туриб, ҳисобот бериб келсам-у, ишонган тоғларим оёғини узатиб, бемалол соққа ўйнаб ўтиришса.

Раис бошидаги сувсар телпагини "гуп" этиб столга урди. Аммо раиснинг бунақанги "нордон" гапларига кўникиб кетган бош ҳисобчи қўлидаги ўчай-ўчай деб турган сигаретани ерга ташлаб эзди-да, бир пой калишга оёғини сукди.

— Ие, ие! Шеф, тинчликми? Нима гап? Нима бўлди?

Бу бепарволикни кўриб Топилдиевнинг лаблари чўччайди.

— Нима гаплигини мана бош муҳандисимиздан сўраш керак. Ўтган ойда "ҳамма тракторлар баҳорга шай" деб ҳисобот бериб юборган экан. Бироқ комиссия обдон тракторларни текшириб, иккитаси аранг юришини, тўрттаси жойидан қимирласа сочилиб кетиши мумкинлигини акт қилиб кетибди. Хўш, бунга нима дейсиз, гапиринг, нега елкангизни қисасиз?

Бош муҳандис сувдан чиққан эчкидай бир силкинди-да, ўзини оқлашга тушди:

— Ҳа, шеф, ўзингизга бир неча бор айтганман. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Борини амал-тақал қилиб тракторларни сафга тизиб қўйганмиз.

— Етишмайди деб кўзингизни лўқ қилгунча топинг!

— Э, ҳозироқ топиб келардим. Аммо эҳтиёт қисмлар учун ҳанузгача базага пул ўтказилмаган.

Ҳозиргина биргаликда нарда ўйнаб, аския айтишиб ўтирган дўстлар бир зумда, жўжахўроздек бир-бирларига ҳезланишди.

— Э, санамай саккиз демангг! — деди бош ҳисобчи. — Хўпми. Аввал банкага талабнома топшириш керак. Хўпми. Ундан кейин бизнинг талабномани у ердагилар ўн беш кун ичида ўрганиб чиқишади. Рухсат беришса, сўнгра пул ўтказаман. Хўпми!

Топилдиев сувсар телпагини қўлига олиб, яна столга ташлади.

— Беринг ўша лаънати талабномангизни!

— Э, қизиқ гапларни гапирасиз-а, ака! — деди бош ҳисобчи ҳануз бир пой калишни оёғи билан стол остидан қидирар экан. — Машина бўлмаса район марказига эшак миниб бораманми?

— Ҳой, ҳой, — деди бош муҳандис бўғилиб, — яна менинг томорқамга тош отаяпсизми? Ёқилғи бўлмаса машина нима билан юради? Бир ойдан бери жаврайман. Нефт базага ёқилғи учун пул ўтказиш керак, деб.

— Ҳов, ўртоқ муҳандис, билмаган ишингизга бурнингизни суқманг, хўпми? Ўша сиз айтган ёқилғига пул ўтказиш учун талабномани банкага бериб келиш керакми?

— Тўғри, — деди раис. — Ахир ўтган ҳафта ўша талабномангизга имзо чекиб бергандим-ку.

Бош ҳисобчига яна жон кирди:

—Қўл қўйгандингиз. Ўша куни барвақт туриб йўлга тушдик. Аммо қишлоқдан энди чиққай деганимизда ферма қоровулининг бепарволиги туфайли зотдор олабуқа ечилиб, йўлнинг ўртасига туриб олган экан. Шофёр бола қўрқиб кетиб машинани тўппа-тўғри йўл четидаги бақатеракка урди. Мана, пешонамнинг ғурраси ҳали ҳам кетгани йўқ.

Шу пайт бош муҳандис ўрнидан туриб кетди:

— Ана, кўрдингизми, ҳаммасига ўша шофёр бола айбдор экан. Машина ҳайдашни билмайди.

— Э, шошмасангиз-чи, шофёр бола қочиб кетмайди. Ҳозир нима қилиш керак, шуни ўйлайлик.

— Хотирингиз жам бўлсин, — деди бош ҳисобчи. — Эртаиндин машинанинг пачоқланган жойлари текисланса, шаҳарга тушиб, банкага талабнома ташлаб келаман. Орадан ўн беш кун ўтгач, банкадагилар рухсат беришса, базага пул ўтказаман. Яна ўн беш кундан кейин бензин олиб келамиз. Унгача ерлар ҳам қуриб қолади. Юк машиналарни юргизиб, базадан эҳтиёт қисм олиб келамиз. Худо хоҳласа,- нариси билан икки ойда ҳамма ишларимиз яхши бўлиб кетади.

Энди раисга ҳам бироз жон кирди.

— Хўш, — деди у сувсар телпагини чаккасига қўндириб. — Юқорига кўрилган чора-тадбир тўғрисида қандай жавоб берамиз?

— Э, шунга ҳам бош қотириб ўтирамизми, — деди кафтини кафтига ишқаб бош муҳандис. — Ҳамма айбни шофёр болага тўнкаб қўя қоламиз, уни ишдан бўшатамиз.

Бу гапни эшитиб ўтирган бош ҳисобчи тутоқиб кетди:

— Келиб-келиб кучларинг бизнинг куёвга етдими?

— Ҳа- я, — деди раис ҳам. — Шофёр бола бизга ҳам томир бўлади. Аммо бари-бир кимнидир жазоламасак бўлмайди.

— Менда бир таклиф бор, — деди бош ҳисобчи секингина. — Ўша йўл четидаги бақатеракни шартта кесиб ташлаш керак. Токи, шофёрлар машинасини унга уриб-нетиб олишмасин.

— Ёзинг, — деди раис дона-дона қилиб. — Буйруқ рақам 99. Техникаларимизни баҳорги дала ишларига тайёрлашга ашаддий тўсқинлик қилиб турган катта йўл четидаги бақатерак шартта кесиб ташлансин. Бу ҳақда юқорига ёзма жавоб йўллансин.

Ўша куни кечга яқин йўл четидаги етмиш баҳорни кўрган катта бақатерак илдизидан уч қарич юқоридан кесиб, газ ўтказилмаган хонадонларга ўтинлик учун тарқатилди.

**Жўра МАХМУД**

## КЎНДАЛАНГ САВОЛЛАР

Миш-мишларнинг урчишида тил асосий ролни ўйнайдими ёки қулоқ?

* * *

Паттачилик — етти хазинанинг бирими?

* * *

Нима учун ёлғоннинг умри қисқа-ю, ёлғончининг қўли узун?

* * *

Тавсифнома одамнинг қандай эканлигини билдирадими ёки қандай бўлиши кераклигини?

* * *

Ўз она тилини билмайдиган онанинг фарзанди учун қайси тил она тили бўлади?

**Ҳ. СИДДИҚОВ**

## ЯНГИ ПАРАШЮТ СОТИЛАДИ

— Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди, дейишади. Шу ростми?

— Бу, ҳақиқат кимнинг қўлида эканлигига боғлиқ.

* * *

— Нега эшак меҳнатдан ўлмайди?

— Гўшти харомлиги учун.

* * *

— Бир кунда шунча бемазагарчилик қилишга қандай улгурдинг?

— Мен жуда эрта тураман.

**ЭЪЛОН**

Бир марта фойдаланилган, лекин очилмаган яп-янги парашют сотилади.

## УНЧА ҚАРИ КЎРИНМАЯПСИЗ

* * *

*Дугоналар учрашиб қолишди:*

*— Намунча озиб кетдинг? — сўради бири.*

*— Эрим менга хиёнат қиляпти,— жавоб берди иккинчиси.— Шунақа қийналяпманки!*

*— Шартта ажралишиб қўяқолмайсанми?*

*— Иложим йўқ, яна уч кило озишим керак.*

* * *

**Танноз аёл ҳали ёш эканлигини билдириб қўймоқчи бўлиб мақтанди:**

**— Эрим элликка кирди. Орамизда йигирма ёш фарқ бор.**

**— Йўғ-е, етмиш ёшингизда ҳам унча қари кўринмаяпсиз.**

* * *

*— Судланувчи, сиз нима учун қутичани бузиб очишдан аввал кар, яна бошқа хонада ухлаётган кампирни ўлдирдингиз?*

*— Қутичага "Фақат ўлимимдан кейин очилсин", деб ёзиб қўйилган экан-да!*

* * *

**Мижоз ҳуқуқшунос қабулига кирди ва қанча ҳақ олишини сўради.**

**— Учта савол учун эллик фунт, — жавоб берди ҳуқуқшунос.**

**— Бу кўплик қилаётганга ўхшаяптими сизга? — сўради мижоз.**

**— Йўқ, ўхшамаяпти.**

**Қани, учинчи саволингизни айтинг.**

* * *

*Икки дўст суҳбатлашарди:*

*— Сенга чин дилдан ҳамдардлик билдираман. Кеча хотиним норка палто сотиб олди.*

*— Буни менга нима алоқаси бор?*

*— У эртага хотинингни олдига бормоқчи.*

**Ҳабиб СИДДИҚ тўплаган**



**Сиз қандай изоҳлайсиз?**

*Жаҳон кулади*

## УЙГА ҚАЙСИ АВТОБУСДА КЕТАЙ

— Жанна, сен қачондан буён чекаяпсан?

— Эрим сафардан қайтиб, кулдондан папирос қолдиғини топгандан буён.

* * *

**Кекса профессор шерикларига деди:**

**— Яқинда туш кўрибман, тушимда талабаларга лекция ўқиётган эмишман. Уйғониб кетиб, бундай қарасам, ростдан ҳам лекция ўқиётган эканман.**

* * *

Биласанми, азизим, Антуан хиёнат қилгани учун хотинини отиб ташлабди.

— Вой, Худойим. Айт-чи, жоним, сен ҳам шундай қилган бўлармидинг

— Йўқ.

— Демак, сенга текканим учун шукр қилишим керак.

* * *

***Ота кичик ўғли билан ҳайвонот боғида айланиб юрибди. Улар йўлбарс турган қафас олдига келганда болакай отасига деди:***

***— Дада, ҳозир сизни шу йўлбарс еб қўйса, уйга қайси автобусда кетай?***

* * *

— Салом, мен сизнинг шефингиз билан гаплашмоқчи эдим.

— Шеф йўқ.

— Қанақасига, ҳозиргина уни ойнадан кўрдим-ку.

— У ҳам сизни кўрибди-да.

* * *

**Аёллар ётоқхонасига келган йигитдан қоровул сўради:**

**— Сиз кимнинг олдига келдингиз?**

**— Ўзингиз кимнинг олдига киришимни маслаҳат берасиз?**

* * *

Божхона ходими йўловчига:

— Марҳамат қилиб жамодонингизни очсангиз.

— Менда ҳеч қандай жамодон йўқ.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Қоидага ҳамма бўйсуниши керак.

**Ш.САЛОҲИДДИНОВА тўплаган**

# "ШОИР"

**Ҳажвия**

Бунақаси мен сизга айтсам, камдан-кам бўлади. Йигирма йилдан бери таҳририят тупроғини ялаб, не-не кишиларнинг шеърларини чиқарган бўлсам-да, бунақа обрў-эътиборга сазовор бўлмаган эдим:

Гапни бир бошдан бошлай қолай.

Таҳририятта келган хатларни кўздан кечириб ўтиргандим, хонага қирқ ёшлардаги, ўрта бўйли киши тортинибгина кирди-да, қўлини кўксига қўйиб, салом берди. Сўнг чўнтагидан тўрт буклоғлиқ қоғоз олиб:

— Йигирма йилдан бери шеър ёзаман. Ижодимдан бир намуна эълон қилсангиз, бошим осмонга етарди, — деди.

Қоғоздаги шеърни ўқиб, рости, энсам қотди. Шеър бор-йўғи икки сатр эди.

— Бор-йўғи шуми? — дедим мен.

— Ҳозирча шу. Шуни чиқариб берсангиз.

Шоирнинг кўзларига қараб, тўғриси ачиниб кетдим. Унинг кўзларида бир илтижо бор эди .

— Бир ёрдам қилинг, ака, — деди у.

Э, шу билан бир одамнинг кўнгли кўтарилса, берганим бўлсин, дедим-да, иккиликнинг у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, теришга бериб юбордим. Кўп ўтмай, шеър газетанинг тўртинчи бетида эълонлар устидаги бўшлиқни тўлдириб чиқиб кетди.

Орадан уч кунлар ўтиб, хонамизга ўша одам кириб келди. Юзлари тўла қувонч. Мамнунлик бутун вужудига сингган.Гўё танланган асарлари чиққан шоирга ўхшайди. У менинг қўлимни узоқ тутиб турди-да:

— Раҳмат, раҳмат, шеъримни газетада чиқариб, улуғ иш қилдингиз. Энди шунга бир зиёфат бериш ниятим бор, — деди.

— Шунга-я! — дедим мен ажабланиб. — Қандоқ бўларкан?

— Йўқ, бормасангизлар бўлмайди, — деди шоир. — Бутун таҳририят билан бормасангизлар хафа бўламан.

— Таҳририятда ўн киши бор, — дедим эҳтиёткорлик билан. Буни айтишдан мақсад, уни бу фикридан қайтариш эди. Бироқ шоир ўз фикридан қайтадиганлардан эмас экан.

— Ўн киши бўлса ўн киши-да. Ҳеч ким қолиб кетмасин. Ўзингиз бош бўлиб олиб чиқинг. Мен сизга ишондим.

Буёғи қизиқ бўлди-ку. Шоир Турди Журъатийникига бориш масаласи ҳатто летучкага ҳам қўйилди. Муҳарриримиз боришга қарши чиқди. Отахон журналистимиз Муҳаммади Қўзи: "Э, бормасак, бир одам хафа бўлса, борганимиз бўлсин", деб фикр билдиргач, боришга қарор қилдик. Турди Журъатий ҳурматимизга бутун оиласи билан оёққа турди, зиёфат ҳам шунга яраша бўлди.

Зиёфатдан чиқдигу, ҳаммамиз кўнгил хижил ҳолда унга айтдик. Чиқарганимиз икки сатр шеър-у, зиёфати нақд 50 мингни...

Турди Журъатий ҳам бизни тушунгандек, анча пайт кўринмай кетди. Орадан икки ой ўтгач, хонамга бир варақ қоғоз кўтариб кириб келди. Ўқидим. Тўрт сатрдан иборат чала-чулпа шеър эди.

— Шуни чиқариб берсангиз, — деди у яна ўтинч билан.

Шеърнинг тўрт сатрини қайта ишлаб, яна унга ўзимдан саккиз сатр қўшиб, газетада чиқариб юбордим. Орадан икки кун ўтгач, у оғзи қулоғида кириб келди:

— О, жуда зўр! Энди шуни ювмасак бўлмайди, — деди у. — Бугун кечқурун ресторанга ўтасизлар. Буюртма бериб қўйганман.

Бу таклиф ҳам мажлисда кўриб чиқилди. Бу сафар ҳатто муҳарриримиз ҳам қаршилик кўрсатмади. Отахон қаламкашимиз Муҳаммади Қўзи оғзи қулоғида, ҳаммани ресторанга бошлар экан, "Қанийди ҳамма ижодкорлар шундай бўлишса", деди.

Ресторандаги ўтиришимиз ҳам чакки бўлмади. Кеч соат ўн иккиларда ходимларимиз уй-уйига қайтишди.

Энди ходимларимиз Турди Журъатийни қўмсаб қоладиган бўлишди. "Илоё, Турди Журъатийга илҳом бер", деди бир куни Муҳаммади Қўзи ҳазил аралаш қўлини дуога очар экан.

Орадан икки кун ўтгач, Турди Журъатий бир варақ қоғоз кўтариб келди:

— Кеча илҳом келиб манавини қораладим, чиқариб берсангизлар, — дуди у. Турди Журъатийнинг шеъри бўлади-ю, чиқармай бўладими. Бутун жамоа унинг саккизлигини қайтадан ишлаб, йигирма сатрлик шеърга айлантирдик-да, газетада чиқариб юбордик.

Турди Журъатий эртаси куниёқ таҳририятга хурсанд ҳолда келди.

— Энди, азизлар, шу шеъримга бир тўй қилиб бермасам бўлмайди.

Турди Журъатий айтган куни уникига бориб, чинакам эҳтиром кўрдик. Ўтириш охирида у ҳаммамизга тўн кийдирди.

Яқинда у таҳририятта бир даста қоғозлар кўтариб келди.

— Китобимни чиқаряпман. Шунга бир ҳашар қилиб берсанглар.

Нима ҳам дердик. Бир зумда унинг китобини ҳам тайёрлаб бердик. Орадан кўп ўтмай унинг китоби чиқди. Ипак қоғозда, ажиб бўёқларда босилган. Турди Журъатий энди чинакам шоирга айланган. Давраларда сўз олади, овозини баланд қўйиб, ўз асарларидан ўқийди. Яқинда у ўз асарларини кўрик-танловга қўйди. Ажаб эмас, ғолиб чиқса...

Абдулла БОБОЁРОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2509. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.